

АМИР ТЕМУР ШАХСИ ВА ФАОЛИЯТИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШНИНГЎЗИГА ХОС АҲАМИЯТИ

Г.Эргашева Фарғона ВХТХҚТМОИ ўқитувчиси

Дунёда шундай тарихий шахслар бўладики, уларнинг ҳаёти, кечирган фаолияти кейин афсоналарга ўралиб кетади ва асрлар давомида бу мазмунан бой ҳамда ғаройиб умр достони унинг халқига битмас-туганмас бойлик сифатида меросу ёдгорлик бўлиб қолади. Дунёга келган ҳар авлод унга мурожаат қилади, ўзини қизиқтирган саволларига, муаммоларига ўша умр саҳифаларидан жавоб топишга интилади. Амир Темури Кўрагон умри, унинг чакмоқдай ҳаёти бизнинг халқимиз учун ана шундай умр достони вазифасини бажаради. Ҳар қандай улў шахснинг дунёга келиши, албатта, ўша шахс мансуб бўлган халқнинг ақлий ва маънавий имкониятлари даражасини кўрсатади.

Амир Темури кураш майдонига кирар экан, «Куч-адолатда» деган эзгу шиори танлаб олади ва умрининг охиригача унга содиқ қолди. Бу сўзлар унинг муҳрига ўйиб ёзилган эди ва бу сўзлар давлат муҳрида бор эди. Унинг маъноси, агар адолат йўлида юрилганда давлат кучли, қудратли бўлади деганидир. Амир Темури давлатининг моҳияти шунда. У ҳамма учун баробар адолат бўлишини талаб қилди. Амир Темурининг инсоний хислатлари эса жуда ҳам диққатга сазовордир. Дунёда бир қанча буюк шахслар ўтган бўлса улар ўз фаолиятлари, қарашларининг ўзига хослиги билан доимо бир-биридан ажралиб турган. Амир Темурининг фаолиятида ҳам ушбу буюк шахслардан ўзига хос бўлган қарашлари билан қуйидаги омиллар орқали ажралиб туришини кўришимиз мумкин.

Биринчидан, Амир Темури садоқатли фарзанд мақомида юртини мўғул босқинчиларидан озод қилди, пароканда бўлган Она Ватанини бирлаштирди, унинг камолини кўришга ошиқди.

Иккинчидан, у халоскор эди, унга Европанинг халоскори сифатида қаралиши тарих солномаларида қайд этилган. Унинг жаҳон майдонидаги фаолияти Европа Ренессансининг барқарор бўлиши ва ривожланишига катта ҳисса қўшди. Бир лаҳза агар усмонли турк империяси Европага бостириб бориши тўхтатилмаганда жаҳон майдонида қандай ҳол юз беришини ўйлаб кўрайлик.

Учинчидан, бунёдкор эди, ундан қолган ёдгорликлар ҳали-ҳануз жаҳон аҳлини ҳайратга солиб келмоқда. Бу борада биров соҳибқирон олдига туша олмайди. Мовароуннаҳр, Хуросон, Озарбайжон, Хоразм ва бошқа музофотларда тикланган турли иморату иншоотлар, масжиду мадрасалар, боғу саройлар, кориз ва ҳоказоларни эслайлик.

Тўртинчидан, Амир Темури чинакамига илму фан ҳомийси эди, илму ҳунар, санъатнинг қадрига етарди. Илм кишини, ҳунар аҳлини, қўлидан бунёдкорлик иши келадиган ҳар бир одамни қўллаб-қувватлаш, ғамхўрлик кўрсатиш ул кишини ўзига хос фазилатларидан эди. Айни пайтда у илм-фан ва маданият ривожини, авлод баркамоллигига ҳам катта эътибор берди. Айниқса, илм аҳлини юксак қадрларди. Соҳибқироннинг ўзи ҳам илмнинг бир қанча соҳаларидан яхши хабардор эди. Тарих фанини айниқса, халқлар, элатлар тарихини жуда яхши билган, ўзи мунтазам ташкил қилиб турган илмий мажлислардаги мунозаларда фаол қатнашган. «Оламнинг турли тарафларидан йиғилган, тиллари ва кийимлари бир-бирларидан фарқли ҳар қайси мамлакат созандалари, ҳар бир иқлимнинг санъат аҳлларию, ҳунар соҳиблари гуруҳ-гуруҳ бўлишиб, ҳар диёрнинг ўзида расм ва одат қилинган зеб-зийнат буюмлари, тақинчоқлари, кийим-кечак ва матолари билан ясаниб, ўзларига оро бердилар. Ҳушнағма созандалар ва хушовоз хонандалар форс тариқасида, аҷам тартибида, араб қоидасида, турк йўсунида соз чалмоқ, ашула айтмоқ ва оҳанг боғламоқ илм машғул эдилар», - деб ёзганди Ҳофиз Абру бу ҳақида. Муболаға бўлмаса, Соҳибқирон ўтказган мазкур тадбирни жаҳон халқларининг ўзига хос санъат фестивали дейиш мумкин. Амир Темури маданиятимизнинг юксак поғоналарга кўтарилишида бемисол хизмат кўрсатган зотдир. Унинг улў салтанати туфайли илму фан, маданиятда Шарқ уйғониш даври бошланди.

Бешинчидан, Амир Темурининг номи ниҳоятда диёнатли, иймони бутун, қалби пок, покиза бир хонадон соҳибини сифатида машҳур. У оилага садоқат кўргизишда монанди йўқ зот эди, унда ўн тўққизинчи аср тушунчасидаги ҳарам зинҳор бўлмаган, унинг кўнглига Аллоҳ меъёр туйғусини жойлаганда, нафси жиловлай билишнинг уддасидан чиқа оларди.